



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 27 июль, № 151 (8774)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Баркамол ўғил-қизларимиз Олимпия ўйинларида иштирокини бошлади



Кеча Франция пойтахти Париж шаҳрида XXXIII ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳар тўрт йилда бир ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақа ҳақон аҳлини бирлаштирадиган халқаро даражадаги муҳим анжуманлардан биридир. Уч соатдан ортиқ давом этган спорт байрамиди сайёрамизнинг миллиардлаб спорт ишқибозлари катта ҳаяжон билан кузатди. У Олимпия ўйинлари тарихида стадион ташқарисида ўтган биринчи очилиш маросими сифатида жой олди.

Гап шундаки, бу сафар иштирокчи давлатлар тақдими Сенга дарёсида, махсус тайёрланган қайиқларда ташкил этилди. Натижада ушбу концепция "Париж — 2024"ни томошабинлар сони ва қамрови жиҳатдан энг катта очилиш маросимига айланганди. Парад давомида 10 минг 500 нафарга яқин спортчилар дарё бўйлаб сузиб ўтди. Ушбу Олимпия ўйинларининг шiori — "Очиг ўйинлар". Ташкилотчилар тадбирни кўп одамлар учун очик қилишга интилдди. Очилиш маросимида Ўзбекистоннинг давлат байроғини бокс бўйича жаҳон чемпиони Абдумалик Халаков ва қилч-бозлик бўйича Осий ўйинлари чемпиони Зайнаб Дайибекова олиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бу мустақил Ўзбекистон атлетлари учун ҳисоб бўлган саккинчи Олимпия ўйинлари ҳисоблана-

ди. Бунгача вақиларимиз 1996 йил Атлантада, 2000 Сиднейда, 2004 йил Афинада, 2008 йил Пекинда, 2012 йил Лондонда, 2016 йил Рио-де-Жанейрода ҳамда глобал пандемия сабаб 2021 йил Токиода уюштирилган Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилганди. Ушбу нуфузли мусобақаларда спортчиларимиз 10 та олтин, 6 та кумуш ва 20 та бронза, жами 36 медални қўлга киритганди. "Париж — 2024" ўйинларида Ўзбекистондан катта спорт делегацияси ташриф буюрди. XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида 90 нафар вақилимиз 19 спорт тури бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Бу мамлакатимизда Президентимиз томонидан спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасидир.



Ўзбекистонлик атлетларнинг Олимпия ўйинларида муносиб катнашиши учун барча зарур шарт-шароит яратиб берилди. Бунда Президентимизнинг жорий йилнинг 14 февраль куни қабул қилинган "Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақият-

ли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Умид қиламизки, спортчиларимиз "Париж — 2024" ўйинларида ҳам муносиб иштирок этиб, ўз галабалари орқали мамлакатимиз доврўғига доврўқ қўшади. «Халқ сўзи».

Нодир ЖОНУЗОҚ



Ўзбекистон — дунёнинг энг хавфсиз мамлакати

"Safety Perception Index — 2023" ("Хавфсизликни идрок этиш индекси — 2023") рейтингига Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз мамлакати, дея эътироф қилинди. **Эътироф** 121 мамлакатни ўз ичига олган ушбу рейтингда Ўзбекистон 0,072 фоиз хавф-хатар даражаси билан биринчи ўринда қайд этилган. Иккинчи ўринда эса 0,073 фоиз билан Бирлашган Араб Амирликлари жой олган. Кейинги ўринни Саудия Арабистони (0,093) эгаллади. "Safety Perception Index" бешта факторга эътибор қаратади: шахсий хавфсизлик (жиноят, зўравонлик ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланган ҳис қилиш), жамият хавфсизлиги (мамлакат ёки минтақадаги умумий хавфсизлик даражасини баҳолаш), ишда хавфсизлик (бахтсиз ҳодисалар ва касбий хавфлардан ҳимояланган ҳис қилиш), киберхавфсизлик (шахсий маълумотлар ва ахборот тизимлари хавфсизлигига ишонч даражаси). Ушбу омиллар мамлакатларнинг хавфсизлик рейтингини учун асос бўладиган умумий тушунчани тасаввур этишда муҳим омил ҳисобланади. «Халқ сўзи».

Марказий сайлов комиссиясида МАЗМУНАН ЯНГИ ВА ТЕХНОЛОГИК САЙЛОВЛАРГА СТАРТ БЕРИЛДИ

26 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ва қатор тадбирлари бўлиб ўтди. Кун тартибида асосий масала жорий йилда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлири сайловини Конституция ва қонунларга тўла мувофиқ ҳолда юқори савияда ўтказиш масалалари қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлири сайлови уларнинг ваколат муддати тугайдиган йил октябр ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи ақшанбасида ўтказилиши белгиланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлири депутатларининг ваколат муддати 2024 йилда тугашини инobatга олиб, сайловлар жорий йилнинг 27 октябрда ўтказилиши ва сайлов кампанияси 26 июлдан бошланиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди. Қайд этиш керакки, ушбу сайловлар Конституциямизда белгиланган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтказилаётгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Мажлисида таъкидланганидек, бу сайловларнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилади. Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар ти-

зим асосида, яъни сайловчилар аниқ шахсларга овоз бериш йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланишади. Иккинчидан, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилди. Эндиликда сайлов тартиботларидаги бюрократия, ортика вақт сарфи ва ҳужжатлар ҳаракати қисқартирилди. Учинчидан, сайлов қонунчилиги илгор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар

улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди. Бундан ташқари, депутатликка номзод сайланиш учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиш лозимлиги белгиланди. Унга кўра номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган тақдирда депутат бўлиб сайланиши мумкин бўлади ва шу орқали такрорий овоз беришни ташкил қилиш талаб этилмайди. Мажлисида мазкур сайлов мамлакатимизда демократик давлатчиликнинг ёрқин намунаси, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, давлат органларини демократик тарзда шакллантиришда иштирок этишига бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. «Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон Ўзбек миллий кураши дунёга юз тутмоқда

Шу йилнинг 23-24 июль кунлари Италия пойтахтида Ўзбекистон Президенти совринли учун ўзбек кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнир 400 дан ортиқ спорт мухлислари эътиборини тортиди. Юқори мартабали меҳмонлар қаторида Италия ҳукумати ва парламенти, элчилар ҳамда маҳаллий жамоатчилик, спорт ва академик доиралар вақиллари ташриф буюрди. Мусобақа Ўзбекистон кураш федерацияси ва мамлакатимиз элчихонаси томонидан Италиянинг "Sport e Salute S.p.A." — "Спорт ва соғломлаштириш" давлат компанияси, "Libertas" миллий спорт маркази ва Италия кураш академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Турнир Рим шаҳрининг тарихий обидаларидан бири ва Италиянинг энг нуфузли халқаро спорт аренаси — "Никола Пьетранжели" спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Чемпионатнинг тантанали очилиш қисмида Халқаро кураш ассоциацияси бош котиби Муҳаммад Ризо Носирий, Европа кураш конфедерацияси президенти Марко Пепе, Ўзбекистон кураш федерацияси раиси биринчи ўринбосари Бахтиёр Қодиров ва элчи Абат Файзуллаев иштирокчиларга омад тилади. Ўзбекистон элчиси Абат

Барқарор электр таъминоти ва мустақкам ҳуқуқий асос

Охириг йилларда мамлакатимизда электр энергиясига талаб сезиларли даражада ошди. Албатта, бу аҳоли сонининг кўпайиши, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши ва бошқа қатор омиллар билан изоҳланади. Бу эса соҳада изчил ислохотлар ўтказишни талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли. **Фикр** Шу боис сўнгги вақтларда мазкур йўналишда дадил қадамлар ташланди ва саъй-ҳаракатлар тобора изчиллик касб этмоқда. Буни электр энергетикасининг бошқарувида ягона вертикаль тизим ўрнига электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда узатиш ва тақсимлаш бўйича акциядорлик жамиятлари шаклидаги бозор талабларига мос алоҳида субъектлар ташкил қилингани мисоли-

да ҳам кўриш мумкин. Айни чоғда энергетика соҳасида самарали давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадига Энергетика вазирилги тузилди. Қолаверса, электр энергетикаси тизимида бозор механизмларини жорий этиш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш орқали уни барқарор ривожлантириш, истеъмолчиларнинг электр таъмино-

тига ишончини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш мақсадида Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Шуларга мос ҳолда соҳада хусусий сектор улуши ортиб бормоқда ҳамда замонавий технологиялар ҳаётга жорий этилмоқда. Табиийки, шу каби янгиланишлар соҳанинг ҳуқуқий асосларини замон талаблари асосида такомиллаштириш вазифасини олдимишга қўйди. Негаки, электр энергетикаси соҳасидаги ваколатли органлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунда аниқ-тиник белгиланмаган. «Халқ сўзи».



4

МАЗМУНАН ЯНГИ ВА ТЕХНОЛОГИК САЙЛОВЛАРГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Сайловда Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати, Сенатнинг 65 нафар аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 65 нафар депутати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, 208 та туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари сайланади. Шунга кўра 30 мингга яқин номзодлар, 90 мингга яқин уларнинг ишончли вакиллари сайлов жараёнида фаол иштирок этиши ҳамда 120 мингдан ортиқ сайлов комиссиялари аъзолари ташкилот сифатида, 70 мингдан ортиқ фуқаролар ва хорижликлар кузатувчи сифатида қатнашиши кутилмоқда.

Сайловда Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати, Сенатнинг 65 нафар аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 65 нафар депутати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, 208 та туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари сайланади. Шунга кўра 30 мингга яқин номзодлар, 90 мингга яқин уларнинг ишончли вакиллари сайлов жараёнида фаол иштирок этиши ҳамда 120 мингдан ортиқ сайлов комиссиялари аъзолари ташкилот сифатида, 70 мингдан ортиқ фуқаролар ва хорижликлар кузатувчи сифатида қатнашиши кутилмоқда.

Сайловнинг мамлакат ҳаётидаги алоҳида ўрнини эътиборга олиб, ушбу жараёнда фуқароларни кенг жалб этиш мақсадига Марказий сайлов комиссияси томонидан 27 октябрдаги сайлов "Менинг танловим — обод Ватаним" шиори остида ўтказилиши эълон қилинди.

Тадбир доирасида сайловнинг технологияси янгилиги сифатида ишга туширилган "E-Saylov" ахборот тизимининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

"E-Saylov" ахборот тизими орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан деярли 60 турдаги муносабатлари тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади.

Ахборот тизими бошқа электрон платформалар билан интеграция қилинган бўлиб, сайловдаги кўпгина тартиб-таомиллар инсон омилсиз тўлиқ автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

Бу тизимда 400 мингга яқин сайлов жараёни иштирокчилари, жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатликка номзодлар, кузатувчиларга оид катта маълумотлар базаси шакллантирилади. Ахборот тизимидан 32 минг нафар сайлов жараёни иштирокчилари профессионал тарзда фойдаланиши айтилади. Фойдаланувчилар билан 40 турдаги SMS-хабар-

номалар орқали мулоқот ўрнатилди. "E-Saylov" ахборот тизимида фуқаролар учун ҳам сайловга оид ахборотларни олиш билан боғлиқ қатор қўлайликлар жорий этилган. Хусусан, ахборот тизими сайловчилар ва сайлов участкалари оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, интерактив хизматларни олиш ва уларнинг таржimai холи билан танишиш имконини беради.

Мажлисда қайд этилганидек, "E-Saylov" ахборот тизими сайловчилари технологияси ва очиқлик жиҳатдан мулоқо янги босқичга олиб чиқмоқда. Таъкидлаш керакки, Сайлов кодекси 37-моддасига кўра Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эга. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камиде тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ва партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камиде 40 минг сайловчи имзосини тўплаш лозим.

Бундан ташқари, комиссия мажлисида сайловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш юзасидан календар режа тасдиқланди. Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси холис ва мустақил конституциявий орган сифатида бўлажа сайловга тайёргарлик қириш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирни миллий қонунчилик, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ ҳолда очиб ва ошқораткизишни таъминлаш бўйича ҳамма чорани кўради.

Мажлисда, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ҳузурида Матбуот маркази ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КЛАСТЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Бугунги кунда юртимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишдаги роли ҳамда маъсулиятини ошириш, махсулот этиштирувчи ва уни қайта ишлашчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаш, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўрганиш

Бу борада Президентимизнинг Фармони ва қарорлари билан боғлиқ тадбирларни сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш юзасидан календар режа тасдиқланди.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси холис ва мустақил конституциявий орган сифатида бўлажа сайловга тайёргарлик қириш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирни миллий қонунчилик, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ ҳолда очиб ва ошқораткизишни таъминлаш бўйича ҳамма чорани кўради.

Мажлисда, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ҳузурида Матбуот маркази ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ: МУАММО, ЕЧИМ ВА САМАРА

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларга ижобий ечим топишда халқ билан мулоқот энг мақбул тизимга айланади. Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан очиб ва самимий учрашувлар ўтказмоқда. Мулоқотларда асосий эътибор сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўришга қаратилади.

Депутатлар — ҳудудларда

Қонунчиликдаги янгиликлар кенг тушунтирилди

Депутат Наврўзбек Юсупов Андижон вилояти "Элтон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчилари фаолиятини билан яқиндан танишди. Шунингдек, маҳалла фаоллари билан бевосита учрашиб, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид муаммолар, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ўрганди.

Учрашувда Элтон маҳалласида ички кўчаларни таъмирлаш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам борлиги қайд этилди.

Халқ вакили, шунингдек, Избоскан туманида ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини кўздан кечирди. Хусусан, "Бой маҳалла" МФЙдаги Оилавий поликлиникада бўлиб ўтган учрашувда юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

Мулоқотлар давомида инсон ва жамият ҳаётида учраётган ижтимоий ва иқтисодий масалалар бевосита ўрганилиб, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда уларни ҳал этиш чоралари қўрилди.

Тадбиркорлар учун кенг имкониятлар

Депутат Муборак Аҳмедовнинг Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида аҳоли билан учрашувлари қизгин савол-жавоблар ва сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтмоқда.

Халқ вакили дастлаб "Полвон" МФЙда "маҳалла еттилиги" ва маҳалла фаоллари билан учрашиб, бу ерда ташкил қилинган хунармандчилик ишлари билан яқиндан танишди.

Бугунги кунда туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, реал даромадини ошириш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, тадбиркорлар ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, янги иш ўринлари ташкил этаётди.

Учрашув чоғида депутат аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, келгусида шундай қўлигул хунармандларнинг ишларини кенгайтириш, "Устоз — шогирд" аъналарини давом эттириш бўйича зарур тасвиалар берди.

Шунингдек, парламент аъзоси мазкур маҳаллада ишлаб чиқарилаётган ҳам-ёнбоп мебель устaxonасида ҳам бўлиб, унинг фаолиятини кўздан кечирди.

Ёшлар бандлиги — устувор вазифа

Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Қосимовнинг Қашқадар вилояти Қамаш туманида сайловчилар билан мулоқотлари ҳам самарали бўлди.

Учрашувлар давомида Президентимиз раислигида 2024 йил 17 июль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида атраф-қолича маълумотлар берилди.

Депутат мазкур учрашувлар давомида Янги авлод маҳалласидаги Ёшлар гузари фаолияти ҳамда Қуйи

Барқарор электр таъминоти ва мустақкам ҳуқуқий асос

1 Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган эллик тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган янги тахрирдаги "Электр энергетикаси тўғрисида" - ги қонун ушбу ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилган бўлиб, унда бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилган.

Улар қуйидагилардан иборат: ишончли, хавфсиз ва барқарор электр таъминоти тизимини яратиш учун ҳуқуқий асосни шакллантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш; истеъмолчиларнинг нархлар, ишончли электр таъминоти ва хизматлар кўрсатиш сифати бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш;

самарали, шаффоф ва рақобатбардош электр энергияси бозорининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

хусусий инвестицияларни рағбатлантириш; электр энергетикаси соҳаси самарали, шаффоф ва дискриминацияга йўл қўймайчи таъминоти асосида фаолият юрйтиши учун умумий қоидаларни белгилаш;

электр энергетикаси корхоналарининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилаш, уларнинг узаро ва давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсизлигини таъминлаш ва бу тизимни такомиллаштириш.

Бу қонун белгиланган нархлар, электр таъминотининг узлуksизлиги, хизмат кўрсатиш нуктаи назаридан истеъмолчиларнинг, хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламга алоҳида эътибор берган ҳолда улар-

нинг манфаатлари ҳимоя қилинишга ҳизмат қилади.

Ҳужжат билан рақобат муҳитини ривожлантириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва жорий этишни рағбатлантирувчи электр энергетикаси соҳасининг самарали фаолият юрйтиши учун тузилма ва умумий қоидаларни белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Қонун ваколатли истеъмолчи, ижтимоий хизмат, ишлаб чиқарувчи, йирик истеъмолчи каби қатор тушунчалар билан тўлдирилмоқда. Ўз навбатида, қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги ҳамда бошқа давлат органлари ваколатлари ва шу ваколатлар доирасида амалга оширадиган фаолияти белгилаб қўйилаётгани ҳам айтиш зарур.

Шунингдек, энергетика бозори регулятори томонидан ишлаб чи-

қилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши белгиланган Концепция ҳам назарда тутилган.

Шу ўринда қонунни ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг, хусусан, Туркия, Грузия, Қозоғистон, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари қонунлари ўрганилгани ҳамда халқаро молия институтилари, масалан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, USAID ва Жаҳон банки тасвиалари ҳисобга олингани таъкидламоқ жоиз.

Қонун амалга киритилгач қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, хусусан, саноатни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлиги юксалтирилади.

Хавфсиз ва барқарор электр таъминоти тизимини яратиш учун ҳуқуқий асослар шакллантиришига эришилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламнинг манбаларидан электр энергетикаси соҳаси ривожига мустақкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Шу маънода, у нафақат маъсуллардан, балки биз, парламент вакилларидан ҳам унинг ижросини бирдек таъминлаш талаб этилади.

Эркин ГАДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

Медиа-форум

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК АМАЛИЁТИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида давлат идоралари матбуот котиблари ва ахборот хизматлари раҳбарларининг навбатдаги медиа-форуми ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзоси Маҳмуджон Парпиев "Янги Ўзбекистон журналистикаси: сўз эркинлиги ва қонунчилик амалиёти" мавзусидаги маърузаси билан қатнашди.

Сенатор ўз нутқида юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари ролини ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосини мустақкамлаш мақсадида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида ҳам ҳар ким фикр-

лаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу моддада ҳар ким истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Мазкур ҳуқуқлар фақатгина конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бoshка шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибинини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқилган бўлган бошқа сир ошқор этилиши олдини олиш мақсадида чекланиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган.

Икки кунлик форумда ахборот кампанияларини ташкил этиш, сифатли медиа контент яратиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинади. Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Қолаверса, ишчи гуруҳ вилоят ҳокимлигида соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказди. Унда кластерлар учун яратилган имкониятлар ва соҳага оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти хусусида фикр алмашилди.

Шунингдек, кластер тизимида мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ҳамда қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш масалаларига кенг ургу берилди.

Шу билан бирга, аҳолига ер ажратиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда норасмий бандликнинг олдини олиш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бўйича маъсул давлат органлари фаолияти ва уларнинг қуйи тузилмаларида рўёбга чиқарилган ишлар, юзга келаётган муаммоларнинг ҳал этилиш ҳолати ҳам ўрганилди.

Ишчи гуруҳнинг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

янги маҳалласида ёшларга ажратилган ерлардан фойдаланиш ҳолати билан ҳам танишди.

Гувоҳи бўлинганидек, аниқ вақтда Ёшлар гузариде сартарошлик, тивуқчилик хоналари, тил курслари ва кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Қуйи янги маҳалласида эса жорий йилда 10 гектар ер майдони ёшлар учун ажратилган бўлиб, 19 нафар йигит-қизнинг доимий бандлиги таъминлангани эътиборга молик.

Навқирон авлод вакиллари билан мулоқотларда кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган маълум қилиниб, бу борада қатор қонунлар қабул қилинаётгани таъкидланди.

Бағдодда 50 ўринли қўшимча шифохона қурилади

Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидганиеванинг Фарғона вилоятида сайловчилар билан бўлиб ўтган очик мулоқотлари қўллаб масалаларни жойида ҳал этиш имконини берди.

Халқ вакилининг аввалги учрашувларида Бағдод тумани марказий шифохонаси шифокорлари тиббиёт масканида беморлар учун жой этишмаслигини айтиб, қўшимча бино қурилиши депутатдан ёрдам сўраб мурожаат қилишган эди.

Депутатнинг ушбу масала юзасидан тегишли вазирлик ва мутасаддиларга қилган мурожаати туфайли бу ерда қўшимча 50 ўринли туғуруқ бўлими қуриладиган бўлди.

Шунингдек, туманнинг 2-Бағдод қишлоғида яшовчи фуқаролар ичимлик суви таъминоти масаласида мурожаат қилишган эди. Мазкур муаммо жойига бориб ўрганилганда, аҳоли сувни 2 км. масофадан ташиб келтираётгани маълум бўлди.

Аҳолининг айтишича, қишлоққа ичимлик суви тортиш "Обод қишлоқ" дастурига тушган, лекин вақтида амалга оширилмаган. Халқ вакили ушбу масалани назоратга олиб, мутасаддилар

билан биргаликда ҳал қилиш чораларини қўришини билдирди.

"Муқимий" МФЙ Фуқрат кўчаси аҳолиси ичимлик суви қувури эскиргани, сув тошиб, хонадонларга зарар етказётгани, қувур ёрилган жой хавфли ҳолатда экани боис депутатдан қўмақ сўради.

Депутат ушбу мурожаат юзасидан "Ўзсўвтаъминот" АЖ туман раҳбари билан боғланиб, шу куннинг ўзида бу масалага ечим топди.

«Маҳалла еттилиги» фаолияти ўрганилди

Депутат Эркин Салихов Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани Галаравот ва Янгиқўрғон маҳаллаларида бўлиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди.

Учрашув давомида маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустақкамлаш ва молиявий имкониятларини кенгайтириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Кейинги етти йилда тизимни такомиллаштиришга доир юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат тасвирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани бугун юқори самара бераётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, Сайхунбод тажрибасини вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам оммалаштириш, аҳоли даромадини оширишда томорқа ва уй хўжалиқдан самарали фойдаланиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Қуйи палата депутати, шунингдек, ҳудуддаги 9-мактабнинг "Очиқ бюджет" порталида қолиб топилган лойиҳаси билан яқиндан танишди.

Ўзгаришлар одамлар ҳаётида акс этмоқда

Депутат Мавлуда Хўжаеванинг Фарғона вилоятидаги учрашувлари Ўзбекистон тумани Зиё Нурсух маҳалласида жойлашган 77-оилавий поликлиникадан бошланди.

Ушбу тиббиёт муассасасида мавжуд

шароитлари ва инфратузилмасида вақтлар ўтиши билан кўплаб ноқулайликлар вужудга келаётган эди. Аниқ чоғда у қайта реконструкция қилиниб, жорий йилги инвестиция дастури доирасида капитал таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.

Оилавий поликлиника Зиё Нурсух, Қўрғонча, Шўрқиллоқ, Бузқўрғон ва Учбулак маҳаллаларида яшовчи 12 минг 700 нафардан ортиқ фуқароларга тиббий хизмат кўрсатади. Икки қаватли 100 қатновга мўлжалланган муассасида 9 нафар малакали шифокор ва 40 нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб борапти.

Депутат бу ерда беморлар учун яратилган зарур шароитлар билан яқиндан танишиб, кейинги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳага доир қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўз навбатида, шифокорлар ҳам юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар чекка ҳудудларда ҳам бўй кўрсатаётгани, аҳолининг сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш даражаси кескин ошганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон туманида энг илгор технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган хусусий клиникалар сони изчил қўлаймоқда. Депутат шу кунги ички аъзолар касалликларини даволашга ихтисослаштирилган "Зиёд диагностика маркази" хусусий корхонасига қарашли тиббиёт маскани фаолияти билан яқиндан танишди.

Учрашувда халқ вакили давлатимиз томонидан яратиб берилган қатор имтиёзлар хусусий тиббиёт муассасалари сонининг ортишига, жадал ривожланишига имкон берибгина қолмай, давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари ўртасида рақобат муҳити вужудга келишига, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва қўламининг ортишига олиб келаётганини таъкидлади.

10 та маҳалла ишсизликни холи ҳудудга айлантирилди

Қонунчилик палатаси депутати Муқадас Ўразалиеванинг Жиззах вилоятида аҳоли билан учрашувлари ҳам сай-

ловчиларнинг фаоллиги остида ўтмоқда. Очик мулоқотлар чоғида фуқароларга мамакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ижобий ўзгаришлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда уларнинг халқимиз фаровонлигини юксалтиришдаги ў

Мутахассис фикри

CONDITIO SINA QUA NON

ёки бажарилмасе бўлмайдиган шартлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 2 февралда "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг қабул қилиниши маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш орқали 69 та қонун ҳамда 5 та кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кун тартибига қўйди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарор қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ". Шу нуқтаи назардан, Фармонда тавсия этилган турли соҳа йўналишлари оид ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қилиш ва улар бўйича хулосалар бериш экспертлар жамиятига тегишли қонун нормаларини синчковлик билан ўрганиш масъулиятини юклайди. Ушбу Фармоннинг 3-илоvasи "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини "Қучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида ташкил этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"дан иборат бўлиб, унинг 1-бобида маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгиланиши назарда тутилган вазифа ва функциялар кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг маърузи Фармонда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддаси бешинчи қисмини "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жараимнинг энг кўп миқдори ушбу кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак", деган норма маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро органларининг бири орасида тақсимланиши белгиланган. Қонун бўлиниши ишлаб чиқувчи маъруза тақсимоти амалга оширишдан олдин тегишли муносабатларни аниқлаштириб олиш лозим. Хусусан, ушбу модданинг диспозицияси ҳавола қилган 6-модда маъруза кодексда мавжуд эмас. Жари-манинг энг кўп миқдорини белгилаш маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ёки ижро органларининг бири орасида тақсимланган тақдирда ҳам қучини йўқотган нормага ҳавола қилиш амалиётда турли нотўғри талқинларга сабаб бўлиши мумкин.

Фармонга асосан "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси ҳам маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари орасида тақсимланмоқда. Маъруза модданинг олтинчи хат-бошида келтирилган "фармацев-

тика фаолиятининг йўналишини — дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиши лицензиялаш белгиланган тартибда амалга ошириш" масаласи ҳам маҳаллий вакиллик ёки ижро органларидан бирига юкланмоқда. 2024 йилнинг 23 январидан ушбу ваколат Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонининг 9-илоvasи 9-бандига қўра маҳаллий ҳокимликларга ўтказиш мумкин бўлган функция ва ваколатларни ташкил олиб, яқиний рўйхатни шакллантириш билан бир қаторда уларнинг тайёрлигини таҳлил қилиш масаласи ҳам амалий чора-тадбир сифатида белгиланган. Фикримизча, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиши лицензиялаш масаласи соҳавий ёндашувни, профессионал билим, зарур ташкилий-техник ўрганишларни тақозо этишини, қолверса, дори воситаларининг истеъмоли билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳам инобатга олиб, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи органлардан бирига ўтказилишидан олдин, уларнинг бу ваколатни қабул қилишга тайёрлигини ўрганиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат тизимли таҳлилга бўлган заруратни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хат-боши "табиати муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини таъминлаш бўлиниши тўғрисида қарорлар қабул қилиш" ваколатини ҳам маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари орасида тақсимлаш вазифаси қўйилмоқда. Бироқ модда матнидан қайси объектлар тўғрисида гап келтирилгани аниқлашнинг имкони йўқ. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи томонидан ушбу объектлар (давлат ёки нодавлат) тушунчасига қонун

матнида таъриф берилиши мақсадга мувофиқ.

Қолверса, қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи объектлар фаолиятини вақтинча тўхтатиш муддат (муддат давомийлиги, муқаддат тўхтатилиши сабаблари, сабабларни бартараф этиш омиллари, қайта ружсат бериш учун асослар)га доир масалани аниқлаштириш лозим. Акс ҳолда бу вазият "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида келтирилган "дискрецион ваколатларнинг кенглиги", шунингдек, "вақт чегараларининг ноаниқлиги"га доир муносабатларни шакллантириб, коррупциявий омилни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд.

Бундан ташқари, модда матнидаги "атроф-муҳитга зарар етказмайдиган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини бутунлай тўхтатиш ва ижро этиш асослаштириш" масаласи ҳам маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари орасида тақсимланмоқда. Бу ерда қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчининг эътиборини айрим жиҳатларга қаратишни лозим топдик. "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги амалдаги Қонуннинг 10-моддаси иккинчи қисмига асосан "Атроф-муҳитга зарар етказмайдиган маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий муҳитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлиқ хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида фаолиятини ўзи нуқидан қўриб қўлиш) муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш ва қайта иختисослаштириш суд тартибиде амалга оширилади", деб мустаҳкамланган.

Битта муносабатни тартибга солишдаги икки хил ёндашув ҳуқуқни қўллаш амалиётда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариш эҳтимоли катта. Фикримизча, уларни аниқлаштириш ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фао-

Ўзбекистон минтақалари ва улар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш, шубҳасиз, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро этувчи органлари томонидан амалга ошириладиган функцияларга бевоcита боғлиқ. Маъруза ривожланиш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва кадрлар салоҳияти ўртасидаги мувозанатни таъминлаш масъулиятига риоя этиш мажбуриятини белгилashi сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган ваколатларни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни қучли ва заиф томонлар, имконият ва таҳдидлар таҳлилини, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш каби жараёнлардан ўтказиш зарур. Бу ҳолат ҳуқуқшунослар таъбири билан айтганда, *conditio sina qua non*, яъни бажармасе бўлмайдиган шартдир.

Гулчехра МАЛИКОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сисбат институти бош илмий ходими, ю.ф.д., профессор.

Мехнат ва роҳат



ТАКРОРИЙ ЭКИН – ҚЎШИМЧА ДАРОМАД, ТЎКИНЛИК МАНБАИ

Самарқанд вилоятида бу йил галла ва эртаги экинлардан бўшаган 90,4 минг гектар ерга такрорий экин сифатида сабзавот, картошка, дуккакли ва озуқа экинлари экиш режалаштирилган. Айни пайтда 80 фоиздан зиёд майдонда такрорий экинлар экиб бўлинди.

— Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қўра такрорий экиндан вилоят бўйича 1 миллион 483 минг тонна ҳосил олинishi кутилмоқда, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Самад Саидов. — Унинг 325 минг 987 тоннаси ички бозорга, 82 минг 292 тоннаси экспортга ва 70 минг 595 тоннаси уруғлик ва захирга жамғарилади. Ҳосилни харид қилиш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш бўйича корхоналар билан келишувлар амалга оширилди, сақлаш омборхоналари ва қайта ишлаш корхоналари мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Оқдарё туманида жорий йилда галладан 9 минг 609 гектар ва эртаги экинлардан 38 гектар майдон бўшади. Туман деҳқон ва фермерлари бу ерларга тўлиқ такрорий экин экмoқда.

— Ушбу майдонларнинг 5 минг 203 гектари кластер ва фермер ҳўжаликлари иктиерида турган бўлса, қолгани фермер ҳўжаликлари ишчилари ва ижтимоий дафтарлардаги фуқароларга берилди, — дейди туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Воҳидхон Муродов. — Ушбу майдонларга сабзавот, картошка, дуккакли ва озуқа экинлари экилмоқда. Кузда улардан 4 минг 250 тонна сабзавот, 9 минг тонна картошка, қарийб 7,5 минг тонна дуккакли дон ҳосили олинishi кутилмоқда. Этиштирилган сабзавот ва картошка, асосан, ички бозорга йўналтирилса, дуккакли маҳсулотнинг 90 фоиздан ортиғи экспорт қилинади.

Туманининг Амир Темур массивида ҳам 431 гектар галладан бўшаган майдонда такрорий экин экилмоқда. Ҳозир ҳудуднинг аксарият қисмида экин экилаётган бўлса, бошқа далаларда ерни тайёрлаш ишлари олиб бoриляпти.

— Ҳўжалигимизнинг сувли ва галладан бўшаган 10 гектар ер майдонига такрорий экин экяпмиз, — дейди "Парда бобо чорва омад" фермер ҳўжалиғи иш бошқарувчиси Аюбжон Пардаев. — Ишчилар билан биргаликда 6 гектарга дуккакли экинлар эқдик ва маҳсулотни харид қилиш борасида "Pichokchi dry fruits" МЧЖ шартнома туздик. Қолган 4 гектарни маҳалламиздаги вақтинча ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга ажратдик.

Оқдарёлик Сўхроб Темиров мактабни битиргач, бир неча йил турли ишларда ўзини

синаб кўрди. Оиланинг ягона боқувчиси бўлган Сўхроб онасининг маслаҳати билан эрта баҳорда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ажратилаётган ер майдонидан олиш учун ариза топширилган. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 апрелдаги "Ешларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "маҳалла еттилиги" тавсияси билан унга 47 сотих ер ажратилди.

— Баҳорда эккан картошкамиздан 15 тонна ҳосил олдик, — дейди С. Темиров. — Ҳосилнинг бир қисмини сотиб, оиламиз эҳтиёжига ишлатдик. Такрорий экинга лoвия эқдик. Чунки ҳосили яхши, харидори тайин. Умуман, ажратилган ер майдони дастлабки йилдан турмушимизни яхшилашга хизмат қилмоқда. Авваллари иш қидириб сарсон эдик, энди ўз еримизда оиламиз фаровонлиги учун меҳнат қиляпмиз.

Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси маълумотларига қўра ўтган йили аҳолига 7,5 минг гектар ер ажратилиб, 18,4 минг нафар фуқаро деҳқон ҳўжалиғи ташкил этган. Жорий йилда эса 8,3 минг гектар ер майдонига 15,3 минг деҳқон ҳўжалиғи ташкил этилди ва 30 мингта иш ўрни яратилди.

— Президентимизнинг жорий йил 18 январда қабул қилинган "Қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ҳар бир тумандан 100 гектар, вилоят бўйича 1,3 минг гектар ер захирга олиниб, деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилди, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиғи бошқармаси шубҳа бошлиғи Тоҳир Дувланов. — Ушбу майдонларда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида экспортбор ҳамда серҳосил қишлоқ ҳўжалиғи экинлари эқилди.

Шунингдек, 7 минг гектар ер майдони ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга "маҳалла еттилиги"нинг хулосасига асосан "E-auktion" электрон савдо платформаси орқали ажратилди. Бу вилоятдаги 17 мингдан зиёд ёшларнинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлашга хизмат қилди. Ушбу ер майдонларда 135 минг тонна маҳсулот этиштирилиши кутилмоқда.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

ЖАБАРДОРЛИК — ОДАМ САВДОСИДАН ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Ақсарият замонавий кишиларнинг тасаввурини одам савдоси қадимги дунёга хос бўлган ёки қуллар меҳнатидан фойдаланиш эҳтиёжини ортага қайтарган буюқ география кашфиётлар ва янги ерларни мустақла қилиш даврига мансуб анахронизм ҳисобланади. Афсуски, бугун ҳам эрксизлик ҳолати ва эксплуатация, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва одам савдоси тез-тез учраб турибди.

Таҳлил

Шу боис кейинги йилларда дунёда одам савдосига қарши курашишга ва ушбу жараёнга давлат органлари, халққаро ва жамоат ташкилотларини жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг қўлпал мамлакатларида одам савдосининг олдини олиш, аҳолининг эксплуатация билан боғлиқ жиноятлар турлари тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кенгаймоқда. Одамфурӯшларни жиноий жавобгарликка тортиш ва улар қурбонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган қонунлар қабул қилинмоқда, халққаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви даражаси ортмоқда.

Маълумки, 2013 йил декабр ойда БМТ Бош Ассамблеяси Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш кунини (World Day against Trafficking in Persons) тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди ва бу кун дунё бўйлаб ҳар йили 30 июлда нишонланади. Сана тасдиқланган танланмади: 2010 йили айнан шу кун БМТ томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича Глобал ҳаракатлар режаси қабул қилинган эди. Дунё мамлакатлари аҳолисининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида БМТ жамоатчилик эътиборини бу муаммага қаратиш ҳамда одам савдоси ва эксплуатациясида жабрланганларни қўллаш мақсадида "Мовий юрак" (Blue heart) кампаниясини ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам одам савдосига

қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон — халқ иродасини ифода этадиган ижтимоий давлат" гоёсига асосланган сиёсий иродаси тўғрисида мамлакатларида одам савдосининг олдини олиш, аҳолининг эксплуатация билан боғлиқ жиноятлар турлари тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кенгаймоқда. Одамфурӯшларни жиноий жавобгарликка тортиш ва улар қурбонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган қонунлар қабул қилинмоқда, халққаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви даражаси ортмоқда.

Таҳдиқот натижалари ҳам шуни тасдиқлайди, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар одам савдосига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасидаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда, жиноятчиликнинг бу тури ўсишини камайтириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш имконини бериш билан бирга, мамлакатда ҳам, чет элда ҳам уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашмоқда, шунингдек, жамиятда юзага келган маъруза жиноятлар билан боғлиқ хавф-хатарлар борасидаги стереотип-

ларга барҳам беришда қўл келмоқда.

Респондентлар одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузди, уларнинг ҳаётини хавф остига қўйди, шаъни ва қадр-қимматини камситди, эркинликдан маҳрум этади ҳамда жабрланганларни жисмоний ва руҳий саломатликка таҳдид соладиган шароитларда қуллик меҳнатига мажбур қилди, деб ҳисоблайди. Улар одам савдосининг мамлакат, жамият ва ҳар бир фуқаро учун ҳиддий ижтимоий таҳдид, деб билади.

Жамоатчилик фикри сўровига қўра, одам савдоси ҳақида маълумотлар ҳажми ошиб бoриши ва улардан фойдаланиш янада қулайроқ бўлаётгани сабабли одам савдосининг асосий йўналишлари ва эксплуатациянинг турли шакллари билан боғлиқ жиноятлар ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида мамлакат аҳолисининг хабардорлик даражаси ўсиб бoрмоқда. 81,2 фоиз фуқароларнинг қулликнинг замонавий шакллари ҳамда инсон азоллари ёки тўқималарини ноқонуний олиб сотиш билан боғлиқ жиноятлардан хабардорлиги ҳам буни тасдиқлайди. Бироқ, бу жиноятдан хабардорлик ошиши ундан ҳимояланишда энг яхши ечимдир.

Сўров натижалари ҳам аҳоли бир қисмининг одам савдоси муаммолари ҳақида хабардорлик даражаси пастиликнинг асосий сабаблари қаторига ушбу муаммони етарлича тушунмаслик киришини кўрсатди. Респондентларга қўра, айрим фуқаролар ҳозирги кунда одам савдоси бутун дунё бўйлаб жуда кенг қўламда тарқалганини, у катта ижтимоий хавф туғдиришини ва инсоният олдида глобаллашув юзган янги таҳдид эканини тўлиқ англамади.

Иштирокчиларнинг фикрича, оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз

ва хориддаги одам савдосига қарши курашиш масалаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда бериши, фуқароларнинг одамфурӯшлар тўғрисидаги қўлиш хавфини камайтиришга қаратилган ахборот лойиҳаларини ва дастурларни яратиш тўғрисида ишлаши ва бу жараёнларни тўлиқ ёритиб бoриши керак.

Таҳдиқот натижалари одам савдосининг тилик белгилари ва одамларни ёллаш усуллари, одам савдосидан жабрланганлар муаммолари ва инқирозли вазиятларда ўзини ҳимоя қилиш йўллари тўғрисида, айниқса, Ўзбекистондан ташқарида ишга жойлашишда муайян хавф-хатар юзага келиши эҳтимолидан хабардор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича иختисослаштирилган тадбирлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Респондентларнинг фикрига қўра, фуқароларни хабардор қилиш ишига одам савдосидан жабрланганларни жалб қилиш муҳим, чунки уларнинг шахсий тажрибаси жамиятда мавжуд бўлган стереотипларни ўзгартиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳдиқот давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, фуқаролар оммавий ахборот воситаларининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисида аҳолини хабардор қилиш борасидаги маърифий фаолияти тўғрисида турлича фикрда. Бу муаммо оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ҳолатидан тўлиқ қоникадиган фуқароларнинг улуши 48,4 фоизни ташкил қилди.

20,7 фоиз респондентлар фикрига қўра, оммавий ахборот воситалари одам савдоси билан боғлиқ муаммолар ва ҳолатларни "ўртача даражада" ёритмоқда. Ушбу тоифадаги фуқаролар учун маъруза ахборотлар долзарб ва зарур ҳисобланади, улар миграция жараёни билан боғлиқ эҳтимолий хавф-

хатарлар, одам савдосидан жабрланганлар дуч келган воқеалар тўғрисида, қулликка тушиб қолганларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш, реабилитация қилиш ва нормал ҳаётга қайтариш билан шуғулланадиган ташкилотлар ҳақида янгиланган маълумотларни олиши хоҳлашади.

Оммавий ахборот воситаларида одам савдосининг ёритилишидан қоникмаган респондентларнинг улуши 22,9 фоизни ташкил этди. Уларнинг фикрича, мамлакат оммавий ахборот воситаларида юртимизда ноқонуний эксплуатация ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича жабрланувчиларни ёллаш билан боғлиқ хавф-хатарлар, замонавий қулфурӯшлар тўғрисида қолганларга ёрдам бериш учун қўрилishi керак бўлган чоралар ҳақидаги маълумотлар етарлича эмас.

Фуқаролар фикрига қўра, 35 ёшга бўлган ёшлар, эркаклар ва хотин-қизлар асосий хавф гуруҳлари ҳисобланади, бинобарин, улар бошқаларга қараганда кўпроқ меҳнат қобилиятига, сафарбарликка эгаллиги ва ҳаётий тажрибаси етишмаслиги боис кўпинча одам савдоси ва эксплуатациясининг нишонига айланади. Шунингдек, ижтимоий ноҳор ва тўлиқсиз оилалардаги гўдақлар ҳам хавф гуруҳига тушиб қолмоқда.

Ортодошларимизнинг одамфурӯшлар тўғрисида тушиб қилишида жавобгарлик улар оиласига, ўз фарзанди муносиб таълим-тарбия олишини таъминламаган ҳамда талаб юқори бўлган касбни эгаллашига ёрдам бермаган, аксинча, чет элда ишлаш тўғрисидаги шубҳали тақлиф, ноқонуний меҳнат миграциясига фарзандларининг рози бўлишига йўл қўйиб берган ота-оналар зиммасига ту-

шади. Бунга 46,6 фоиз респондентлар қўшилган. Фуқароларнинг меҳнат ёки бошқа турдаги эксплуатацияга тушиб қолишлари учун жавобгарлиги одам савдосидан жабрланганларнинг ўзларига юклайдиганлар улуши 44 фоиздан иборат. 20,5 фоиз иштирокчи эса давлат ўз фуқаролари учун жавобгардир, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, жиноятларнинг олдини олиши ва уларга барҳам бериши, ўзбекистонликлар учун ноқонуний меҳнат миграциясига тушиб қолш хавфини ва мамлакатимиздан ташқарида ноқонуний ишга жойлашини минималлаштиришга ҳаракат қилиш керак, деб ҳисоблайди.

Умуман, 76,8 фоиз ўзбекистонликлар жиноят содир этилишига ёрдам берадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича давлатимиз томонидан қўрилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолаган. Айни чоғда улар юзага келаётган янги таҳдидлар шароитида бу борадаги ишларни янада қучайтириш зарур, деб билади.

Таҳдиқот чоғида юрдошларимиз одам савдоси муаммосининг олдини олиш, уни аниқлаш ва бартараф этиш учун давлат органлари ва халққаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оддий фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш кераклигини ҳам ургулашган. Зеро, бугун дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг тарқалган жиноятнинг ушбу турида қарши курашиш фақат ҳамжиҳатликда олиб бoрилгандагина ўз самарасини беради.

Нигина РАҲИМОВА, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори.

САНЪАТ — ХАЛҚЛАРНИНГ МАДАНИЙ АЛМАШИНУВИ ВА МАЪНАВИЙ БИРЛИГИГА КЎПРИК

Беларусь Республикаси Ўзбекистоннинг шарқий Европадаги стратегик ҳамкорларидан бирidir. Буни кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги ва янада юқори босқичга кўтарилганидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Яқинда Беларусь томони Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур уюштирди. Мазкур тадбир доирасида нафақат қатор sanoat корхоналарида бўлиб, республиканинг реал иқтисодий имкониятлари билан танишишга, балки ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Славян бозори" XXXIII халқаро санъат фестивалида қатнашишга ҳам муваффақ бўлди.

Махсус репортаж

Нуфузли мусика фестивали ҳар йили беш мингдан ортиқ меҳмонлар ҳамда иштирокчиларни атрофига жалб қилиши ва ўзаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаши билан ҳам гоят аҳамиятли ҳисобланади. Мазкур фестивал бугунги кунда славян дунёсининг чегараларини кесиб ўтди. Жорий йил бу ерга 42 давлат вакиллари, жумладан, 500 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлди. Фестивалга илк бор ШХТга аъзо давлатлар ОАВ ходимлари учун ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари — Хитой, Россия, Ўзбекистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар журналистлари ҳам ташриф бурди.

Дарвоқе, яқинда Беларусь Республикаси расмий равишда ШХТнинг дўстона оиласига қўшилди ва ташкилотнинг ўнчинчи аъзо давлатига айланди. ШХТ шафелигида Беларусда ўтказилган ҳар йили 150 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Булар болалар ва эстрада хонандалари ўртасидаги халқаро мусика танловлари, "Етти шамолда" кўча санъати ҳамда "Славян Благовест" хор мусикаси фестивали, "Усталар шаҳри" ярмаркаси, кино намоишлари, театр премьералари, бадий кўргазмалар, концертлар шулар жумласидандир.

Ҳафта давомида Витебскнинг бутун тарихий маркази, хусусан, Европадаги энг катта Галаба майдони фестивал билан бирга яшайди. "Витебск" ёзи амфитеатр ва концерт залида турфа мусикий тадбирлар бўлиб ўтади, турли қитъалардан келган иштирокчилар бир-бирига ҳамроҳлик қилиб, очик ҳавода концертлар уюштиришади. Африка ногоралари рус балалайкасига

жўр бўлади, ўзбек дутори билан скрипка уйғун жаранг сочади.

Фестивалнинг рамзи — мўрт кўк жўхори гули. Чексиз Беларус далаларининг бу резиденти кўринишидаги гулчамбарлар, сиргалар ва нишонлар фестивал меҳмонларининг байрамона кўринишининг мажбурий атрибутидир. Уни кийимларига табассум билан боғлаб, турли мамлакатлардан келган одамлар дўстона бир оила аъзоларига айланишади. Уларни мусика ҳамда санъатга муҳаббат, бир-бирининг анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш бирлаштириб туради.

Ёзи амфитеатрда фестивалнинг очилиш маросими ва унга бағишланган катта концерт тадбирнинг асосий мазмунини ташкил этди. Анъанага кўра Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко фестивалда қатнашиб, нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, санъат мамлакатлар ўртасидаги тинчликни, ўзаро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлайди. Ушбу фестивалнинг фалсафаси ана шу гоа асосида белгилаб олинган ва у чуқур идилларга эга. Бу ерда, Двинанинг гўзал қирғоғида, 1050 йил олдин шаҳарнинг биринчи тоши қўйилган бўлиб, у бугунги кунда ҳақи равишда мамлакат маданий пойтахти ҳисобланади. Беларуснинг бу бурчагида асрлар давомида тасвирий санъат дурдоналари, ноёб мезморий объектлар, ажойиб адабий ва мусика асарлари, шунингдек, фестиваллар, танловлар ҳамда бошқа кўпжа ижодий лойиҳаларни яратишга илҳомланган муҳит бор. Асрлар давомида бу ерда ижодий изланиш ва цивилизациялар мулоқоти муҳити яратилган.

Дарҳақиқат, Витебск шаҳри Иля Релин, Казимир Малевич ва Марк Чагалл каби дунёга машҳур rassomларни ижодий дурдоналар яратишга илҳомланган. Бу ерда болалар ёзувачиси Лазар Лагин, Нобель мукофоти лауреати, физик Жорес Алферов каби кўпжа таниқли шахслар тузилган.

Яқинда Беларусь Президенти унга мукофоти топириди. Ҳакамлар хайъати раиси, таниқли кўшиқчи, Москва давлат маданият институти ўқитувчиси Этери Берашвилининг таъкидлашича, ҳакамлар хайъати аъзолари Гран-прини кимга топишишни бир овоздан ҳал қилишган.

— Ёш хонанданинг вокал ва бадий маҳорати, феъл-атвори, тиришқоқлиги, ноёб иқтидорни мени лол қолдирди. Бундай истеъдоднинг шаклланишида устози Мадина Абдубекованинг ҳиссаси катта, — деди у.

Ясмينا Хусниддинова 2013 йилда тузилган. Тошкент шаҳридаги Толиб-жон Содиков номдаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг 3-синфида ўқийди. У бир неча маротаба халқаро ҳамда республика танловлари совриндори бўлган. Фестивалда у ўзбек халқ кўшиғини замонавий оранжировкада ижро этгани билан томошабинларни мафтун қилди.

— Ясмينا Ўзбекистонда миллий саралаш босқичида голибликка эришди. У жуда жиддий танловдан ўтиб, "Витебск" болалар мусика танловининг 14 нафар иштирокчисидан бирига айланди, — дейди фестивалнинг Ўзбекистондаги расмий вакили, "Зарафшон" концерт залининг бадий раҳбари Ольга Ивановна. — У катта салоҳият ва иқтидорга эга қиз, саҳнада ўзини таниқли хис қилади, юқори профессионал даражада кўшиқ куйлайди, аэло интонацияга эга, мусикани ҳис эта олади. Унинг галабасидан хабар толганимизда жуда шодландик. Бундай йирик халқаро танловнинг Гран-приси ёш вокалчи учун улкан ютуқ. Бу билан у ўз Ватани шарафини улуғлади, ҳақон ҳамжамияти олдида Ўзбекистоннинг, ўзбек ёшларининг обрў-эътиборини юксалтирди. Шунингдек, ўзбекистонлик яна бир иштирокчи хонанда Салима ҳам

муваффақиятли иштирок этди. Миллий анъаналарни асраб-авайлашдаги юксак маҳорати учун у "Мир" МТРКнинг "Кўшиқ — ҳамжихатликка йўл" махсус муқофотига лойиқ қўрилди.

Биргаликда — биз кучмиз!

"Витебскдаги славян бозори — 2024" фестивали доирасида Беларус ва хорижий мамлакатлардан минглаб фаол ва иқтидорли ёшларни бирлаштирган Ёшлар кунлари ҳам юқори савияда ўтказилди. Бу ерда ШХТ маконида ёшлар ҳамкорлиги истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

— Бизга яқин дўст давлатлар, жум-



лади бўлиб ўтди. Унда Беларуснинг катта делегацияси ҳам қатнашди. Ийгиликларимиз қадимий шаҳарлар, цивилизация марказлари — Самарқанд ва Бухоро билан яқиндан танишиди.

ШХТ давлатлари билан ҳамкорлик форматида Ўзбекистон ёшлари доим бизнинг ишончли шеригимиз ҳисобланади. Мамлакатингиз Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз, ташкилот билан яқин дўстлик алоқалари ва қўшма лойиҳаларимиз мавжуд.

Пойтахтда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган муҳташам Галаба боғида бўлиб, Бу ёшлар ва хорижий меҳмонлар учун диққатга сазовор жой бўлиб, Ўзбекистоннинг фашизм устидан қозонилган Буюк галабага қўшган ҳиссасини яққол акс эттиради. Ёшлар бунга ёдда тутиб, тинчлик ва бутун инсоният фаровонлиги йўлида бирлашишлари керак. Беларус ва Ўзбекистон ёшлари елкама-елка бу йўлда кетаётганидан хурсандман. Биргаликда — биз кучмиз!

Инсонларни жипслаштирувчи универсал "тил"

"Витебскдаги славян бозори" халқаро санъат фестивалининг яна бир муҳим воқеаси — ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирилари йиғилиши бўлиб, унда ўрта мамлакат вакиллари қатнаш-

ди. Тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин сўзга чиқди.

— Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти шафелигида Беларус Республикаси ҳудудида ташкилотга аъзо бўлганидан кейин ўтказилаётган биринчи тадбир, — деди у. — ШХТ фаолиятининг 23 йили давомида маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий механизми шакллантирилди. Ҳозирги

ладан, Ўзбекистон вакиллари фестивалнинг ёшлар дастурига фаол қўшилаётганидан мамнунмиз, — деди "Беларус" жамоат бирлашмаси Марказий кўмитаси биринчи котиби, Республика ёшлар иттифоқи раиси Александр Лукьянов. — Бу йил Тошкент шаҳри "МДХ ёшлар пойтахти" деб эълон қилинди. Шарқ ва Марказий Осиё дурдонаси биринчи дақиқалардан қўшма ром этади. Яқинда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар фес-

мурақаб глобал геосийсий вазиятда биз ташкилотнинг барча соҳасида интеграцияни жадаллаштириш учун маданиятдан "юмошқ куч" сифатида фойдаланиш зарурлигига аминмиз. Яқинда қабул қилинган Остона декларациясига аъзо давлатлар ШХТ маконида тинчлик, ҳамкорлик, фаровонлик ва тотувликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида маданий ҳамкорликни кенгайтиришни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Беларусь Республикаси маданият вазири Анатолий Маркевич ўз чиқишида мамлакатининг ташкилот ҳудудида маданий мулоқотни ривожлантиришдаги асосий вазифалари ҳақида тўхтади. Жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туйғусини сингдириш, анъанавий қадриятларни маданий воситалар орқали омалаштириш шулар жумласидан. Республика ШХТ давлатларида Беларуснинг етакчи ижодий университетларида мутахассислар тайёрлаш, халқаро танловлар, фестиваллар ва пленерларда иштирок этиш, ҳамкор давлатларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлашни тақдир қилишга тайёрлиги қайд этилди. 2025 йилда Минскда халқаро ёшлар маданий форумини ўтказиш ташаббуси ҳам эълон қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари Авазхон Тожихонов қатнашиб, мамлакатимиз ва Беларус Республикаси ўртасидаги сўнгги йилларда фаоллашган самарали маданий ҳамкорлик ҳақида батафсил тўхтади. Унинг қайд этишича, 2024-2025 йилларда Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари ва мамлакатимизда эса Беларус маданияти кунларини ташкил қилиш режалаштирилган.

— ШХТ мамлакатлари маданий анъаналарининг хилмаҳиллиги ўзаро англашув ва ишончли мустаҳкамлаш учун бебаҳо имкониятларни ўзида мужассамлаган, — деди у. — Маданият — дунё харитасида келиб чиқиши ва ўрнидан қатъи назар, биз гагирадиган универсал тил. Бу бизнинг ўзига хослигимизни акс эттиради ва шу билан бирга, бизни умумий қадриятлар — инсонпарварлик, баррикенглик, ҳамжихатлик тушунчалари атрофида янада жипслаштиради.

Қайд этиш жоизки, маданиятлар мулоқоти нафақат билим ҳамда тажриба алмашиш, балки янада уйғун ва барқарор дунё яратиш учун ҳам муҳим асосдир. Маданият ШХТга аъзо мамлакатларни халқларимиз раванки йўлида боғловчи кўприк бўлиб қолшиши учун ҳамкорликни давом эттириш катта аҳамиятга эга.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»)
Тошкент — Минск — Тошкент

Ижодий изланиш ва цивилизациялар мулоқоти

Маълумотларга кўра фестивал доирасида ҳар йили 150 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Булар болалар ва эстрада хонандалари ўртасидаги халқаро мусика танловлари, "Етти шамолда" кўча санъати ҳамда "Славян Благовест" хор мусикаси фестивали, "Усталар шаҳри" ярмаркаси, кино намоишлари, театр премьералари, бадий кўргазмалар, концертлар шулар жумласидандир.

Ҳафта давомида Витебскнинг бутун тарихий маркази, хусусан, Европадаги энг катта Галаба майдони фестивал билан бирга яшайди. "Витебск" ёзи амфитеатр ва концерт залида турфа мусикий тадбирлар бўлиб ўтади, турли қитъалардан келган иштирокчилар бир-бирига ҳамроҳлик қилиб, очик ҳавода концертлар уюштиришади. Африка ногоралари рус балалайкасига

Юрtdошимиз — халқаро танлов голиби

Фестивал меҳмонларга кўпжа кўрилган соғваларни тақдим этди. Улардан бири Ўзбекистон аҳолисини,

Ўзбек миллий кураши дунёга юз тўтмоқда

Аёллар ўртасидаги курашда бош совринни юрtdошимиз Покизахон Камолитдинова қўлга киритди. Иккинчи ва иккита учинчи ўринларни мос равишда германиялик Айлин Милл, бельгиялик Виктория Болонхан ва руминиялик Качарина Калюжная эгаллади.

Эркаклар ўртасида кенган мурасасиз баҳсларда Ўзбекистон вакили Мухсин Хисомиддинов барча рақиб курагини ерга теккизиб, турнир голиблигини тантана қилди. Иккинчи ва иккита учинчи ўринлар руминиялик Илие-Даниэль Натеа, ўзбекистонлик Мухаммадкарим Хуррамов ва польшалик Каспер Шчуровскийга насиб этди.

Тадбир спорт беллашувлари билан чекланмасдан, унинг доирасида Ўзбекистон ва Италия санъат усталари томонидан маданий дастур тақдим қилинди. Шунингдек, ўзбек миллий хунармандчилик махсулотлари бурчаги ташкил этилди.

Мазкур мусобақа Италия оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, ушбу мамлакатнинг етакчи "Il Messaggero", "Il Metropolitan", "Nova News", "Il Giornale d'Italia" газеталари ва Лацио вилоятининг "Lazio TV" телеканалда туркум материаллар эълон қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида Кураш миллий спорт тури тарихида илк бор 18-ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритилган.

Шу билан бирга, 2023 йилдан бошлаб, Ўзбекистон кураш федерацияси ташаббуси билан Халқаро кураш ассоциацияси календарь режасига Ўзбекистон Президенти соврини учун жаҳон профессионаллар серияси (WORLD SERIES PRO) халқаро турнири ўтказилиши киритилиб, дунёнинг барча қитъасида мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

«Дунё» АА.
Рим

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ ҲУЗУРИДАГИ МОЛИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ТДИУ-МОЛИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

2024/2025 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Шифр	Таълим йўналишлари/мутахассисликлари номи	Жами
БАКАЛАВРИАТ, Кундузги таълим шакли			100
1	60410200/38.03.01	Бухгалтерия ҳисоби	50
2	60410300/38.03.01	Солиқлар ва солиққа тортиш	50

Таълим тили: РУС ТИЛИ; **Таълимнинг давомийлиги:** 4 йил. **ҲУҲЖАТЛАР 2024 ЙИЛИНИНГ 1 АВГУСТ — 15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ДАВОМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН ТИЗИМИДА <https://sf-tsue-pgu.uz/> — **САЙТИ ОРҚАЛИ ҲУҲЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШЛАРИ МУМКИН.**

CALL-ХИЗМАТ телефон рақамлари: 71-245-42-43; 71-239-01-59; 71-239-28-79; 71-239-28-77; 71-234-01-36. **"2+2" қўшма таълим дастурини муваффақиятли яқунлаган битирувчига Тошкент давлат иқтисодий университети ва Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети дипломи берилади.**

Андижон давлат тиббиёт институтининг илғор ўқув жиҳозлари ва технологиялар билан таъминланган янги барпо этилган ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 742. 12 561 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олши учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.55 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6